

Л.ЛАЛАМИНИНГ “THE MOOR’S ACCOUNT” (“ЗАНЖИ
ҲИСОБОТИ”) РОМАНИДА ФЛОРА ТАСВИРИНИНГ
ЛИГВОСТИЛИСТИК ТАДҚИКИ

Хажиева Феруза Мэлсовна, ф.ф.д., доцент
Бухоро давлат университети
Инглиз адабиётшунослиги кафедраси
f.m.xajjeva@buxdu.uz

Ражабова Зебинисо Анваровна
БухДУ Инглиз адабиётшунослиги
кафедраси магистранти
z.a.rajabova@buxdu.uz

Аннотация

Мақолада Америка ёзувчиси Лайла Лаламининг “The Moor’s Account” (“Занжи ҳисоботи”) романида Америка флорасининг бадий тасвири пальма ва мангров дарахтлари мисолида стилистик таҳлил қилинган.

Калим сўзлар

Метафора, жонлантириши, эпитет, парафраз, параллель қурилма, флора.

Abstract

The article investigates the American writer Laila Lalami’s novel “The Moor’s Account” and presents a stylistic analysis of the American flora in the example of palm and mangrove trees.

Keywords

Metaphor, personification, epithet, paraphrase, parallel construction, flora.

Аннотация

В статье исследуется роман американской писательницы Лайлы Лалами «Отчёт мавра» и проводится стилистический анализ американской флоры на примере пальм и мангровых деревьев.

Ключевые слова

Метафора, олицетворение, эпитет, парафраз, параллельная конструкция, флора.

Кундалик ҳаётда ўсимлик маъносини англатувчи “флора” тушунчаси қизиқарли ва шу билан бир қаторда турли илмий тадқиқотларга асос бўла оладиган ҳодиса эканлигини кузатиш мумкин. Флора сўзининг этимологик ва семантик тадқиқи унинг жуда ҳам оммалашган сўз эканлиги, турли фанлар, асосан ботаника, геология, фалсафа, адабиёт, тилшуносликда тез-тез учрайдиган сўз эканлигини кўрсатади. Даставвал, терминнинг номи қадимги Рим гуллари ва баҳор гуллаши Флора (лат. floa) маъбудаси номидан келиб чиққан деган қарашлар мавжуд [24].

Шунингдек, “флора” сўзини “ўсимликлар тўплами” маъносида биринчи марта полшалик ботаник **Михал Бойм** (1614-1659) 1656 йилда Венада нашр этилган “Flora Sinensis” (“Хитой флораси”) асарида қўллаган [24].

Иккинчи марта бу маънода “флора” сўзини буюк швед табиатшуноси **Карл Линней** (1707-1778) 1737 йилда Амстердамда нашр этилган “Flora Lapponica” (“Лапландия флораси”) асарида қўллаган.

Демак, “флора” сўзи асосан ўсимлик дунёси маъносида қўлланилиб, кўпинча ботаника фанининг бир бўғини сифатида қаралади. Чунки ботаника ўсимликлар дунёсини умумий, “оламдаги ўсимлик майдон” деб қаралса, флора маълум бир ҳудудга тегишли маънода қаралар экан. Шу жиҳатдан олиб қараганда, биз тадқиқотимизда Шимолий Америка флорасининг ўзига хос жиҳатларини магистрлик диссертациямизда алоҳида бобда ўрганишга уриндик.

Замонавий америка ёзувчиси Л.Лаламининг “The Moor’s Account” (“Занжи ҳисоботи”) асари биографик саргузашт асар ҳисобланиб, унда Америкага биринчи бўлиб келган хабаб Мустафо ал Замори ҳаёти тасвирланган. Асарда Америка ва Марокаш флораси ва фаунаси стилистик воситалар ёрдамида бадиийлаштирилган. Романнинг дастлабки “THE STORY OF LA FLORIDA” деб номланган бобида Шимолий Америка қитъасидаги Флорида ерлари табиати муаллиф томонидан бўёқдор этиб тасвирланган. Испанлар кемалари келиб қўнган ерлар жанубда бўлганлиги сабаб бу ерларда **пальма дарахтлари** ва асар бош қаҳрамони Мустафога номаълум буталарлар ўсар эди. Мустафо пальмаларни тасвирлар экан уларни туғилиб ўсган она юрти Макрокашдаги пальмалар билан солиштиради ва уларнинг меваларидан тановул қилади. Маълумки пальмасимон дарахтларнинг 180 ортиқ турлари бўлиб, уларнинг айримлари финик, кокос, ройстоунея, сабаль, бисмаркия кабилардир. Шимолий Америка қитъасининг жанубий ерларида, айниқса Флорида ўрмонларида маҳаллий пальмасимонлардан Royal Palms (Lat.: Roystonea Regia) Coconut Palms (Lat.: Cocos Nucifera) турлари кенг тарқалган [24]. Лайла Лалами “The Moor’s Account” асарида бу маълумотни киритмаган, еки бадиий тасвирламаган бўлсада, асардаги пальмалар ва уларнинг меваларини тирик қолиш учун овқат сифатида айтиб ўтган. Ҳар сафар Мустафо Америка флорасидаги бир ўсимликни ўз юртидаги ўсимлик билан қиёслаган ва уларнинг захарли ёки захарсиз эканлигини текшириб кўрган. Шу сабаб аввал бир донасини еб кўриб, зарарсиз эканлигига ишонч ҳосил қилгач, кўпроқ истеъмол қилишга ҳаракат қилган. Бу билан Мустафонинг нафсини тийиб биладиган, эҳтиёткор характерли инсон эканлигини тушуниш мумкин. Асардан олинган парчани стилистик таҳлил қиладиган бўлсак, бу ерда параллель синтактик қурилмани (parallel construction) ва изоҳловчи ва қиёсловчи гапни (defining relative clause and logical comparison) кузатишимиз мумкин.

“Sometimes, I picked the fruit of the palm trees, which were smaller and thicker than those of my hometown, or I tried the berries of unfamiliar bushes, tasting only one or two before daring to eat them in greater quantities [1,9]”.

Мисолдаги “I picked the fruit of the palm trees” ва “I tried the berries of unfamiliar bushes” гапларида қўлланилган параллель қурилма ўтган замон феъллари билан ясалган бўлиб, уларнинг такрорий ишлатилиши орқали Мустафо оч қорнини доим номаълум мевалар билан тўйдиришига, ва бу такрорий ҳолат бўлиб қолганига ишора қилади. Параллель қурилма “ҳаёт учун кураш” мавзусини бўрттиришга ёрдам берган. Шу билан бир қаторда Флорида флорасининг рангбаранглигини кўрсатиб берган. Муаллиф номаълум, янги оламда янги ўсимлик дунёсининг ҳам фойдали ҳам зарарли эканлигини таъкидлайди.

Кейинги мисол “THE STORY OF THE ISLAND OF MISFORTUNE” деб номланган бобдан олинган бўлиб, унда асар қаҳрамонларининг бир оролдан иккинчи оролга қийналиб ўтиб олиб, у ерда очликдан турли балоларга гирифтор бўлишлари тасвирланган. Маҳаллий хиндулар аввалига испанлар ва Мустафогани овқат билан меҳмон қилишган бўлса, кейин

уларни хайдаб солишар, устларидан мазах қилишар эди. Охирида ов қилишни ва устрицалар мавжуд ботқоқларга бориб дарахт илдизларидан устрицаларни суғуриб олиб ейишни буюришади. Асарнинг айнан шу жойида Лайла Лалами Америка табиатига хос, ўша ердаги ботқоқларда ўсадиган **мангров дарахтини** (мангровое дерево) бадий тасвирлайди.

“Мангровлар ёки мангров ўрмонлари - денгиз қирғоқлари сув оқими зонасида маржон рифлари ёки ороллари томонидан тўлқин энергиясидан ҳимояланган жойларда ўсадиган доимий яшил баргли ўрмонлар. Тропик минтақаларда, баъзан денгиз оқимлари буни яхши кўрадиган мўътадил зоналарда тарқалган. Улар сув оқимининг пастлигида энг паст ва юқори тўлқинда энг юқори даража ўртасидаги чизикни эгаллайди.

Мангровлар ўсадиган лойли тупроқда кислород деярли йўқ, мангровлардаги ер ости тўқималарини кислород билан таъминлаш қурилмаларидан бири бу ҳаво илдизлари. Улар асосан илонсимон шаклга эга бўлиши мумкин [24]”.

“Мангровларнинг сув устидаги қисмида ғозлар, қисқичбақалар ва ўргимчаклар яшайди. Кўпинча мангров илдизлари билан қопланган сув юзаси остида губкалар, анемонлар, маржонлар, устрицалар, моллюскалар, денгиз юлдузлари, қисқичбақалар ва Флориданинг тиканли омарлари мавжуд [24]”

Илмий-оммабоп манбаларда кўрсатилишича Флоридада ўсадиган мангровларнинг илдизларига устрицалар ёпишиб олади ва шу ерда улар истиқомат қилиб кўпаяди. Муаллиф асарда бу маълумотларни батафсил ёритиб бермаган, ҳаттоки, мангров дарахти деб Флорида флорасига тегишли бу ўсимлик номини келтирмаган ҳам бўлсада, кенг маълумотга эга китобхон бу тропик дарахтни пайқаб олади. Бу ўринда муаллиф **парафраздан** (paraphrase) фойдаланган. Чунки Мустафо бу дарахтнинг номини билмаган. Балким, ўша даврда бу дарахтларга ҳали ном ҳам қўйилмаган. Парафраз ўз навбатида, дарахт тасвирини ва унинг хусусиятларини, қандай ўсиши, барглариининг чирмашиб ётиши, ўзакларининг ҳаво ва сув ўртасида осилиб ётиши, уларда устрицалар ёпишиб, кўпайиши ҳақида маълумотларни жамлаган. Лалами дарахтлар образи тасвири баробарида Мустафонинг қийинчиликлари, дарахлардан устрицаларни суғуриб олиш мушкулотларини, одамнинг бармоқлари шилиниб қонаб кетиши мумкинлигини тасвирлайди.

“The roots **came** (ўсмоқ маъносида - жонлантириш) from tall plants with thorny stems that grew in a marsh (ботқоқ) half a league from the village. By then, the oyster **beds** (креветкалар кўпаядиган жой маъносида - метафора) near our camp were almost entirely **depleted** (истощены/тугаган - гипербола), so Dorantes and Castillo joined us in the bog. The water was cold and murky and the long leaves of the plant **tangled** (ўралашмоқ - жонлантириш) around our feet. We had to **burrow deep** (рыть нору/уя қазийш - метафора) into the mud with our hands and when we managed to pull out the roots **it was often at the expense of (напх, қийматига - метафора)** deep cuts on our hands and arm [1, 83]”. (Матндаги изоҳлар мақола муаллифлари томонидан киритилган.)

Асардан олинган парчадаги қора ранг билан ажратилган сўзлар стилистик бўёқдорликка эга бўлиб, уларни бадий матнда маънони кучайтириш мақсадида қўлланилган. Муаллиф “**came**”, “**beds**”, “**depleted**”, “**tangled**”, “**burrow deep**”, “**at the expense of deep cuts**” сўз ва иборалар ўрнига оддий, тушунарли сўзларни ҳам қўллаши мумкин эди. Булар: grew - “**came**”, place - “**beds**”, short of, decreased - “**depleted**”, fell down - “**tangled**”, dig - “**burrow deep**”, it caused - “**it was often at the expense**” каби сўзлар бўлиши мумкин эди. Муаллиф бадий асар тилига хос бўлган китобий-бадий сўзлардан фойдаланиб, улар ёрдамида таъсир

доираси ва даражасини кўтара олган. Бу сўзларинглиз тилида концептуал метафораларга айланиб, улар тил нормасига кириб қолган саналади. Бироқ, тилда уларнинг дастлабки маъноси ўзгарганини кузатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Лаламининг “The Moor’s Account” биографик романида флора тасвири бадиий воситалар ёрдамида амалга оширилган. Америка табиатига хос бўлган пальма ва мангров дарахтлари бош қахрамон Мустафо назарида қитъга биринчи марта келиб, унинг ёввойи ва ўзига хос табиатидан ҳайратланиш психологик ҳолати бадиий кўрсатиб берилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Lalami, Laila. *The Moor’s Account*. – United Kingdom: Penguin Books, 2015.
2. Khajieva, F. M. (2019). DECODING OF STYLISTIC DEVICES IN RUSSIAN AND ENGLISH TRANSLATIONS OF THE UZBEK NOVEL " DAYS GONE BY" BY ABDULLA QADIRI (STYLISTIC CORRESPONDENCES AND TRANSFORMATIONS). *Theoretical & Applied Science*, (4), 541-545.
3. Khajieva, F. M. (2020). Theoretical aspects of the language learned (Stylistics). *Бухоро: Дурдона*.
4. Хажиева, Ф. (2021). ЛАЙЛА ЛАЛАМИНИНГ “THE MOOR’S ACCOUNT” РОМАНИДА ФОНЕТИК СТИЛИСТИК ВОСИТАЛАР ТАҲЛИЛИ. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 3(8).
5. Khajieva, F. M. (2021). The rise and development of the american biographical novel. *JournalNX-A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*, 7(06), 262-267.
6. КHAJIEVA F. M. (2020). GENESIS AND DEVELOPMENT OF STYLISTIC DEVICES CLASSIFICATIONS. *Филология масалалари. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети*, (3-Б), 30-38.
7. Хажиева, Ф. М. (2020). Америка ёзувчиси Жей Паринининг “The Last Station”(“Сўнгги бека”) биографик романи лейтмотивини шакллантиришда полифоник тафаккурнинг вазифаси. *УзМУ хабарлари. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий журнали*, (6-Б), 192-197.
8. Khajieva, F. (2020). Genesis and development of stylistic devices classifications. *Philology Matters*, 2020(3), 30-38.
9. Khajieva, F. M. (2019). Kendjayeva Gulrukh Fatilloyevna STUDY OF STYLISTIC LEXICOLOGY (2019). *TEST Engineering and Management, USA*, 4162-4169.
10. Melsovna, K. F. (2021). Cosmopolitanism through intertextual devices in the postmodern biographical novel. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(11), 156-161.
11. Хажиева, Ф. М. (2019). The manifestation and the function of epistolary technique in the biographical novel “The Last Station” by Jay Parini. *Проблемы и достижения современной науки*, (1), 71-73.
12. Хажиева, Ф. М. (2022). Поэтика ва риторика бинар оппозицияда. *Integration of Pragmalinguistics, Functional Translation Studies and Language Teaching Processes*, 193-196.
13. Khajieva, F. (2021). CONCEPTUAL FRAMEWORK OF ALLUSIONS IN THE NOVEL “THE MOOR’S ACCOUNT” BY LAYLA LALAMI. *Збірник наукових праць SCIENTIA*.
14. Хажиева, Ф. М. (2021). ЖЕЙ ПАРИНИ ИЖОДИДА БИОГРАФИК РОМАН КОНЦЕПЦИЯСИ. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, 4(1-2).
15. Khajieva, F. M., & Fatilloyevna, K. G. (2019). Study of Stylistic Lexicology.
16. Khajieva, F. M. (2018). EPISTOLARY TECHNIQUE IN THE BIOGRAPHICAL NOVEL «AVICENNA» BY MAQSUD QORIYEV. *ББК 1 P76*, 27.
17. Melsovna, K. F. (2017). SIMILES IN NOVEL “THE LAST STATION” BY JAY PARINI AND THEIR FUNCTION. 131.
18. Khajieva, F. M. (2016). THE DIVERSITY OF VIEWPOINTS IN JAY PARINI’S BIOGRAPHICAL NOVEL THE LAST STATION. *World science*, 3(7 (11)), 41-43.

INTEGRATION OF PRAGMALINGUISTICS, FUNCTIONAL TRANSLATION STUDIES AND LANGUAGE TEACHING PROCESSES

19. Melsovna, K. F. (2013). Narrator in the Biographical Novels: A Typological Comparison. *Academic Journal of Interdisciplinary Studies*, 2(9), 357.
20. Хажиева Феруза Мэлсовна АМЕРИКА ПОСТМОДЕРН АДАБИЁТИДА БИОГРАФИК РОМАН ПОЭТИКАСИ (Ж.ПАРИНИ, М.КАННИНГҲЕМ ВА Л.ЛАЛАМИ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА). Бухоро давлат университети (2022)
21. Хажиева Феруза Мэлсовна ПОСТМОДЕРНИЗМ ВА БИОГРАФИК РОМАН. Монография. Бухоро давлат университети (2022)
22. <https://ru.wikipedia.org>
23. Khayotovna, N. M. "The Use of Riddles in the Speech of Characters in English and Uzbek Literature". INTERNATIONAL JOURNAL OF INCLUSIVE AND SUSTAINABLE EDUCATION, vol. 1, no. 4, Oct. 2022, pp. 60-65, <http://inter-publishing.com/index.php/IJISE/article/view/169>
24. Khayotovna, Niyazova Mokhichekhra. "CLASSIFICATION OF USUAL WAYS OF WORD FORMATION IN THE RUSSIAN LANGUAGE." *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal* 11.2 (2023): 200-203.
25. ISLOMOV ELDOR YUSUPOVICH, AHMEDOVA MEHRINIGOR BAHODIROVNA. THE ESSENCE OF SPIRITUALITY IN THE UZBEK LANGUAGE. XIII МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ " ЯЗЫК И КУЛЬТУРА" Челябинск, 26 апреля 2018 года. - P.12-15
26. Toirova, U. «ВЕРНОСТЬ В ИСТОРИЯХ "КАРАКО'З МАДЖНУН" С.АХМАДА И "ХАТИКО" ПАМЕЛЛЫ СТАРНЕР В ЗООСЕМА „ИТ“». ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), т. 15, вып. 15, июнь 2022 г., http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/6888.
27. Toirova, U. «Analysing of Cat Zoosemy in the Uzbek and English Works». ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), т. 14, вып. 14, июнь 2022 г., http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/6804.
28. Toirova, U. «The Interpretation of Zoosemy through the Symbol of Monkey in the Stories of N.Eshonqul "Maymun Yetaklagan odam(The Man Leading the Monkey) and W.W.Jacob's "The Monkey's Paw" Toirova Umida Sobirovna A Teacher of English Literature Department Bukhara». ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), т. 1, вып. 1, июнь 2021 г., http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/1952.
29. Sumaira Nawaz, Khaitova Gulshan Bahodirovna, and Akhmedova Mehrinigor Bahodirovna. "Explanation of Agricultural Terms in Dictionaries". *Indonesian Journal of Innovation Studies*, Vol. 18, May 2022, doi:10.21070/ijins.v18i.606.
30. Akhmedova Mekhrinigor. The meaning of spirituality: different approaches and development of the word. *Science and practice: a new level of integration in the modern world*. 2018/4/28. - P.110-113
31. Toirova, U. «Maqollarda Zoosemizmlarning Ingliz Va o'zbek Tillaridagi Talqini». ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), т. 1, вып. 1, июнь 2021 г., http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/1953.
32. Niyazova M. INTERPRETATION OF SABAI SAYYOR EPIC POEM IN KHAMSA //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2022. – Т. 10. – №. 10.